
Аҳолини рўйхатга олишнинг узун ва қисқа варақа шаклларида фойдаланиш

Анъанавий рўйхатга олиш жараёнида кўплаб хусусиятлар бўйича маълумотларни тўплашда респондентларга юкни камайтириш учун маълумотлар йиғиш қисқа рўйхатга олиш варақасидан (танланган саволларни ўз ичига олган) ва узун саволнома варақ шаклларида (муайян белгилар бўйича кўплаб саволлар билан) фойдаланишни назарда тутиши мумкин. Узун саволнома варақ шакллари фақат танланма уй-жойлар, уй хўжаликлари ёки шахслар бўйича тўлдирилади. Узун ва қисқа саволнома варақ шаклларида фойдаланиш режалаштиришни, ўқув дастурини ва жойларда сўров ўтказишни мураккаблаштирмасдан ва назорат қилиб бўлмайдиган сарф-харажатларни кўпайтирмасдан кўпроқ маълумот тўплаш имконини беради. Бироқ, ахборот учун тобора ортиб бораётган талабни ҳисобга олган ҳолда, ушбу стратегия янги муросаларга олиб келиши мумкин, чунки узун рўйхатга олиш варақасидаги саволлар сони юқорида келтирилган сабабларга кўра чексиз равишда ўсиб бора олмайди. Агар “бир вақтдалилик” тамойили устун бўлса, мамлакатлар қисқа рўйхатга олиш варақаси ва икки ёки ундан ортиқ узун шакллардан маълумотларни тўплаш масаласини кўриб чиқишлари мумкин, бу ҳолда узун рўйхатга олиш варақаси уй хўжаликлари ёки шахсларнинг алоҳида танланмаси бўйича тўлдирилади. Шу билан бирга, бир нечта саволнома шаклларида фойдаланиш бир-бирига боғланган танланмаларни шакллантириш зарурати, майдонда аҳолини рўйхатга олиш варақаларини назорат қилиш ва бутун тўплам бўйича натижаларни тортиш билан боғлиқ қўшимча мураккабликларни келтириб чиқаради. Бундан ташқари, кўп омилли таҳлил қилиш имкониятларини чеклайди.

2022-03-24 21:38:06